

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълими вазирлиги

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

“Иқтисодиёт ” факультети

“Иқтисодиёт” бакалавр таълими йўналиши И-362 гуруҳ талабаси

Нуржонова Дилнура Муродилла қизи нинг

**“Меҳнат иқтисодиёти. Инсон тараққиёти”
фанидан**

**“Аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ижтимоий-
иқтисодий ва ташкилий -ҳуқуқий асослари” мавзусида**

ёзган

реферати

**Бажарди
Раҳбар**

**И-362 гуруҳ талабаси Д. Нуржонова
к.ў. Ш.О.Амиркулов**

Қарши 2015 йил

Мундарижа

Кириш

- 1. Ўзбекистонда аҳолини иш билан бандлик концепцияси**
- 2. Оилавий тадбиркорлик ва уй меҳнати аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида**
- 3. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни**
- 4. Аҳолини иш билан бандлигини оширишнинг асосий йўналишлари**

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўхати

Кириш

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида шиддат билан содир бўлаётган жараёнлар ва биринчи навбатда, қарама-қаршиликларнинг кучайиб бораётгани, жаҳон бозорларидаги вазиятнинг тез ўзгараётгани, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари, дунёнинг кўплаб давлатларида инвестиция фаоллигининг сусайиши ва ўсиш суръатларининг пасайиши мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Дунёнинг етакчи тараққий этган мамлакатларида давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган инқирозга қарши дастурларга қарамасдан айрим мамлакатларда макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат бозорини тартибга солиш ва аҳоли бандлигини ошириш иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

“Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш натижасида 2014-йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилди.

Ўтган йилда мамлакатимиз таълим муассасаларининг 600 мингдан зиёд битирувчиси иш билан таъминланди. Шуниси қувонарлики, ёшларимизнинг аксарият катта қисми ўз келажагини кичик бизнесда кўрмоқда. Бу борада, иш берувчилар ва ўқувчиларни кенг жалб этган ҳолда, меҳнат ярмаркалари, бизнес ғоялар танловлари ўтказилаётгани ҳамда уларнинг ғолибларига ўз хусусий ишини бошлаш имконини берадиган имтиёзли кредитлар ажратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз бизнесини йўлга қўйишга қарор қилган коллеж битирувчиларига қарийб 200 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Бу 2013-йилга нисбатан 1,4 баробар кўпдир”¹.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат бозорини

¹ Каримов И.А. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир

ривожлантириш ва унинг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш, жаҳонда ишсизликни пасайтириш, аҳоли бандлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ишсизликни камайтириш ва аҳоли бандлигини оширишнинг иқтисодий механизми самарадорлигини ўстиришнинг устувор йўналишларини комплекс тадқиқ этиш долзарб мавзу ҳисобланади.

1. Ўзбекистонда аҳолини иш билан бандлик концепцияси

Аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш мамлакат ижтимоий сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Бизга маълумки, мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан,

Мустақил тараққиётимиз мобайнида мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиши 3,6 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,6 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 4 баробарни ташкил этди.

Ўтган 2014 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014-йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил якунлари бўйича 6,1 фоизни ташкил этди. Бу прогноз кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пастдир.

Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 9 фоиздан 8 фоизга камайтирилган бўлса-да, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профитсит билан бажарилди.

Иқтисодиётда бозор қонунлари ва талабларига мувофиқ равишда рўй берадиган ўзгаришлар аҳолининг иш билан бандлиги концепциясининг ўзгаришини келтириб чиқаради. Мулкчилик муносабатлари бирламчидир. Улар иккиламчи ишлаб чиқариш муносабатлари сифатида намоён бўладиган иш билан бандлик муносабатларини белгилайди. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқиладиган иш билан бандликнинг янги концепцияси уйда, уй хўжалигида бажариладиган меҳнат фаолияти шакллари мутлақо қонуний ва ижтимоий эътироф этилган шакллар сифатида легаллаштиради.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда давлатнинг узоқ муддатли стратегияси мавжудлиги бозор иқтисодиётининг эҳтиёжларига жавоб берадиган иш билан бандлик замонавий парадигмасининг қарор топиши юз бермоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитларида аҳолининг иш билан бандлигини ташкил қилиш муаммоси назарий ва амалий жиҳатларда янгича маъно касб этади. Меҳнат бозорини янада ривожлантириш аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солишда фаол ўринни эгаллайди. Меҳнат бозорида асосий миллий ресурс – ишчи кучи шаклланади ҳамда корхоналар, тармоқлар, вилоят ва туман минтақалари бўйича тақсимланади.

Меҳнат бозори иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлигини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилишини таъминлайди. У ходимнинг ўзи учун янада мосроқ иш жойига ўтишини енгиллаштиради. Меҳнат бозори орқали корхоналар зарур миқдорда ва талаб қилинган сифатга эга ишчи

кучи билан таъминланади. Меҳнат бозори қандай кадрлар, мутахассислар, касбларга талаб борлигини, улардан қандайлари ортиқчалигини кўрсатади. Бу кўпгина мамлакатлар учун долзарб муаммодир. Унинг ҳал этилиши жамиятнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга қодир самарали иқтисодиётнинг яратилишини англатади.

Иш билан бандликни ишчи кучига талабни кенгайтиришга уларни фойдали фаолиятга жалб қилиш кўламлари, шарт-шароит ва шакллари таъминлаш, иш билан банд бўлган ходимларни шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш, бўшатиш, қайта тайёрлаш ва қайта тақсимлашга йўналтирилган чора-тадбирлар ва ҳаракатлар йиғиндиси, деб таърифлаш мумкин.

Бу концепция доирасида тўла оқил (рационал) ва самарали бандлик фарқланади. Иш билан «тўлиқ» бандлик социализмдаги меҳнатнинг умумийлиги ва мажбурийлигининг аниқ ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан амалга оширилишидир. У меҳнатга лаёқатли аҳолига ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишнинг ҳақиқий имкониятлари берилиши билан боғлиқ. Юқорида айтиб ўтилган камчиликларни ҳисобга олиб, иш билан тўлиқ бандлик даражаси бозор иқтисодиётига мослашиб боради.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун муносиб даромадга эга бўлиб, ўз соғлиғини сақлаш учун етарли имконга эга бўлиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг усулига мос келадиган маълумот ва касб даражасини эгаллашни таъминлайдиган бандликни аҳолининг самарадор бандлиги деб ҳисоблаш мумкин.

Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми ўтган йили 23,2 фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

2. Оилавий тадбиркорлик ва уй меҳнати аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида

Маълумки 2010 йил 12 ноябрда Олий мажлис қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида маъруза қилиб, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқиш ҳақида тўхталиб ўтди. Концепцияга мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Биринчидан, Иқтисодиёт ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар

билан биргаликда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ишлаб чиқилди, ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталари томонидан қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва 2012 йилнинг апрел ойидан бошлаб кучга кирди.

Мазкур Қонунда Оилавий тадбиркорликнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли қонуний белгилаб берилган ва ушбу фаолият билан шуғулланадиган фуқароларга бир қатор имтиёзлар белгиланган:

1. Оилавий тадбиркорлик фаолияти юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

2. Оилавий корхона кичик корхоналар учун белгиланган сондан оширмаган ҳолда ишчилар ёллаши мумкин ва уларнинг сони камида 2 кишидан иборат бўлиши лозим.

3. Оилавий корхона турар ва нотурар жойларда фаолият юритиши мумкин. Оилавий корхона иштирокчиларининг турар жойлари нотурар жойга айлантирилиши талаб этилмайди.

4. Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарилган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинади.

5. Оилавий корхона коммунал тўловларини аҳоли учун белгиланган миқдорда амалга оширади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Биринчидан, Иқтисодиёт ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ишлаб чиқилди, ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталари томонидан қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва 2012 йилнинг апрел ойидан бошлаб кучга кирди.

Мазкур Қонунда Оилавий тадбиркорликнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли қонуний белгилаб берилган ва ушбу фаолият билан шуғулланадиган фуқароларга бир қатор имтиёзлар белгиланган:

1. Оилавий тадбиркорлик фаолияти юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

2. Оилавий корхона кичик корхоналар учун белгиланган сондан оширмаган ҳолда ишчилар ёллаши мумкин ва уларнинг сони камида 2 кишидан иборат бўлиши лозим.

3. Оилавий корхона турар ва нотурар жойларда фаолият юритиши мумкин. Оилавий корхона иштирокчиларининг турар жойлари нотурар жойга айлантирилиши талаб этилмайди.

4. Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарилган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинади.

5. Оилавий корхона коммунал тўловларини аҳоли учун белгиланган миқдорда амалга оширади.

Оила бу жамиятнинг бошланғич ячейкаси бўлиб мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ривожланиши айнан оилалардан бошланди. Шу сабабдан ҳам оилалар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш давлат сийсатининг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Оила - қариндош бўлган ёки бошқа хусусиятлари билан боғланган, бирга яшаётган ва биргаликда ҳўжалик юритаётган шахслар жамоасидир. Кейинги йилларда оила иқтисодиётига қизиқиш ўсди. Ўзбекистонда миллий ҳисоб-китоб тизимига ўтилиши муносабати билан уй ҳўжалигига иқтисодиётнинг муҳим субъектларидан бири сифатида қаралмоқда. Ҳозирги шароитда уй ҳўжалигининг умумий даромадларини ўлчаш аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш, солиққа тортиш тизимини оқилона ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Уй ҳўжалиги бирга яшаётган ва умумий бюджетга эга бўлган бир ёки бир неча шахс томонидан олиб борилади. Одатда, уй ҳўжалиги аъзолар сони бўйича оила билан мос келади, аммо баъзи ҳолатларда бир неча оилалар биргаликда уй ҳўжалиги юритиши мумкин.

"Уй ҳўжалиги" атамасини турлича ифодалаш мумкин, масалан:

- оилани статистик белгилаш;
- анъанавий уй ишлари йиғиндисининг умумлашма номи (болаларга қараш, овқат тайёрлаш, кир ювиш, уй тозалаш, оддий таъмирлаш ишлари ва ш.к.);
- оиланинг даромад-категория, даромад-мулк ва харажат-истеъмол тавсифларини ўз ичига олувчи статистик ижтимоий-иқтисодий тушунча.

Оилалар даромадларининг шаклланиши нуқтаи назаридан уй ҳўжалигининг қуйидаги функциялари муҳим:

- 1) меҳнат ишлаб чиқариш функцияси;
- 2) иқтисодий номехнат функциялар (уй ҳўжалигининг умумий даромадлари асосий манбаи).

Биринчисига қуйидагилар киради: якка тартибдаги меҳнат фаолияти, яъни уй шароитида кийим-бош, пойабзал тикиш, мебель ясаш, маиший хизмат кўрсатиш; аграр фаолият, яъни ер, ер участкасининг барча турларидан фойдаланиш; анъанавий уй ишлари - овқат тайёрлаш, болаларга қараш, кир ювиш, уй тозалаш, кийим, пойабзални таъмирлаш ва ш.к.; якка тартибдаги оилавий савдо - илгари тўпланган оилавий мулкни сотиш, турли товарларни олиб-сотиш.

Иқтисодий номехнат функциялар: оилавий лизинг (уй, дала-ҳовли, ер, автомобиль, қайиқ кабиларни ижарага бериш ва шу каби); бўш турган пулларга қимматли қоғозлар (векселлар, облигациялар, акциялар ва ш.к.) сотиб олиш ва фойдаланиш.

Оила даромадларининг асосий қисми меҳнатда, ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишдан олинadиган даромад, ижтимоий трансфертлардан юзага келади.

Оила бюджети даромад ва харажат қисмларга бўлинади. Оиланинг даромадлари ва харажатларига таъсир этувчи омиллар оиланинг тури (сони ва

ижтимоий-демографик таркиби, "ишловчилар" ва боқимандаларнинг ўзаро нисбати ва шу қабилар), иш билан бандлик характери, олинадиган даромадлар даражаси, уй-жой, маданий-маиший буюмлар билан таъминланганлиги, турар жойи, жойлашиш характери, истиқомат қиладиган ҳудуди ва ҳоказолар билан боғлиқ. Оила бюджетини текшириш асосида ишчи ва хизматчилар, колхозчилар ва алоҳида пенсионерлар оилаларининг даромадлари йиғиндиси ҳисоблаб чиқилади. Даромадлар йиғиндиси таркибига иш ҳақи (жамоа хўжаликлари аъзоларига ҳақ тўлаш), пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва ижтимоий истеъмол фондларидан бошқа тўловлар киради, жумладан, болаларни мактабгача тарбия муассасаларида, болалар лагерларида тарбиялаш учун дотациялар, шунингдек, санаториялар, дам олиш уйларига бепул ва имтиёзли йўлланмалар қиймати, шахсий таморқа хўжалигидан олинадиган даромадлар ҳам киради.

Бозор иқтисодига ўтиш йилларида оилалар умумий даромадлари шахсий умумий даромад ва аҳолининг ялпи даромадлари таркиби ўзгаришларга юз тутди ва бу ўзгаришлар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

1) иш ҳақи даромадларнинг асосий қисмини ташкил этади, аммо унинг салмоғи пасаймоқда;

2) Ижтимоий Истеъмол Фондидан тўловлар барча даромадларнинг тахминан 1/6 қисмини ташкил этади ва ўсиб бориши кузатилмоқда;

3) шахсий таморқа хўжалигидан олинадиган даромадлар салмоғи ошиб бормоқда, аҳоли истеъмол муаммосини ўз кучи билан ҳал этишга уринаётган ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятда бу табиий ҳолдир.

4) бошқа манбалар салмоғи ошиб бормоқда ва бу ўсишнинг давом этиши кутилмоқда;

5) бозор иқтисодиёти шароитида ишга лаёқатли ҳар бир инсон ўз моддий фаровонлиги учун ўзи маъсулдир.

Оила бюджети асосида оиланинг истеъмол даромади ҳисоблаб чиқилади, у умумий даромадлардан фарқли ўлароқ, ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан оиланинг солиқ ва жамғармалари чиқариб ташлангандан сўнг қолган пул харажатларига тўғри келади. Унинг ҳажми, миқдори харажат турларига қараб тақсимланади.

Оиланинг умумий даромадларини таҳлил этишда қуйидаги кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади:

- овқатланиш харажатлари;
- нооziк-овқатларни сотиб олиш харажатлари;
- маиший хизмат, солиқ, йиғимлар, тўловлар харажатлари;
- нақд пул, жамғарма банкларига қўйилган жамғармалар, чорва, парранда ва бошқалар табиий кўпайиши натижасида жамғармаларнинг ошиши.

Статистик амалиётда, шунингдек, таълим олиш, тиббий хизмат қиймати ва уй-жой учун дотациялар ҳам қўшилган умумий даромадлар миқдори ҳам ҳисоблаб чиқилади. Бу кўрсаткичлардан, одатда, халқаро текширувларда фойдаланилади.

Оилалар даромадини ошириш, аввало уларнинг бандлик даражасига бевосита боғлиқ. Ишчи кучи таклифи талабга нисбатан барқарор бўлган Ўзбекистон меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатига эришиш учун

хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, шунингдек касаначилик, шахсий томорқа хўжалиги ва чорвачиликни ривожлантириш ҳамда ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишда қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади.

Биринчидан, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес соҳаларида фаолият юритаётган ҳамда фаолият юритиш истаги бўлган фуқароларга тадбиркорликка оид ахборот хизмати кўрсатиш, яъни солиқ қонунчилигида белгиланган имтиёзлар, тижорат банклари томонидан бериладиган имтиёзли кредит маблағлари юзасидан ахборотлар бериш.

Иккинчидан, янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига бизнес-режалари ва уставларини ишлаб чиқишда, кредит ва лизинг шартномалари тузишда, инфраструктура объектларига ҳужжат тайёрлашда ҳамда уларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишда тегишли йўриқлар бериш ва кўмаклашиш, зарур ҳолларда уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида, туман (шаҳар) ҳокимлигига маълумотлар тақдим этиш.

Учинчидан, тадбиркорларнинг ҳуқуқий, бошқарувчилик ва режалаштириш соҳаларидаги саводхонлигини ошириш мақсадида, туман (шаҳар) Давлат солиқ инспекцияси, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси, ахборот маслаҳат маркази, тижорат банклари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, коммунал хизмат кўрсатиш идоралари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш, ҳунармандлар, фермерлар уюшмаларининг мутасадди ходимлари иштирокида ўқув курслари ташкил этиш.

Тўртинчидан, маҳалла ҳудудида хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес соҳасини қўллаб-қуватлаш ҳамда унинг ривожини учун энг асосий омиллардан бири бўлган, ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокимлигига маълумотлар тақдим этиш.

Бешинчидан, аҳолининг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда тадбиркорларга янги инновацион ғояларни ишлаб чиқишда, яъни янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқиш, янги технология ва ихтироларни ўзлаштиришда илмий ва амалий кўмаклашиш.

Олтинчидан, аҳолига шахсий томорқа хўжаликларидан фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида, уларга зарур бўладиган мева-сабзаёт уруғлари, мевали дарахт кўчатлари ҳамда минерал ўғитлар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишлари учун уларни маҳалладаги тажрибали фермер хўжаликларининг иш фаолияти билан таништириш.

Еттинчидан, маҳалла ҳудудидаги тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамда аҳолининг шахсий томорқаларидан самарали фойдаланиш натижасида етиштирилган мевасабзаёт, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорга чиқариш бўйича аниқ ва мақсадли йўналтирилган маслаҳатлар бериш.

Саккизинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этиш ва шу орқари маҳалла аҳолиси учун иш ўринлари ташкил этиш истаги бўлган фуқароларга ер ажратиш, замонавий минитехнологиялар ва ускуналар сотиб

олиш бўйича тегишли маслаҳатлар бериш, бу борада уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида, юқори турувчи органларга маълумотлар тақдим этиш.

3. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни.

Шаклланаётган бозор иқтисодиётининг муҳим белгиси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан иборат бўлиб, унинг эркин ривожланиши миллий иқтисодиёт тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади.

Ҳаммамизга маълум кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодиёти ҳамда жамият тараққиётида муҳим ўрин тутди. Унинг афзаллиги бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчанлиги, кам маблағ талаб этиши, янгиликларни тез жорий этиш ва тарқатиш имкониятларига эгалигида намоён бўлади.

Бугунги кунда кичик бизнес республикамизни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омилларидан бирига айланди ва унинг 2000-2014 йиллар давомидаги асосий ривожланиш кўрсаткичларининг тенденциялари ялпи ички маҳсулотнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2014 йилда 54,6 фоизга, иқтисодиётда иш билан банд бўлган аҳолининг улуши 2000 йилдаги 49,7 фоиздан 2014 йилда 75,7 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги ҳиссаси 2000 йилдаги 12,9 фоиздан 2014 йилда 22,2 фоизга етганида ҳамда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг сони 219,4 мингтани ташкил этаётганида куришимиз мумкин.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг бандлиги, даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда 2014 йилда ташкил этилган жами 973,5 минг янги иш ўринларининг 631,4 мингтаси ёки 65,3 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келмоқда.

Ушбу қайд этилган кўрсаткичлага эришиш иқтисодиётимизни либераллаштириш ва модернизация қилиш учун ислохотларимизнинг дастлабки босқичида қабул қилинган Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунлар.

Шунингдек, ислохотларимизнинг кейинги босқичида қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Хусусий корхона тўғрисида”, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар ҳамда янги тахрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича ишлаб чиқилган бир қатор қонун ҳужжатлари хизмат қилди.

Бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга

қаратилган **“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”**ги, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида **“Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”**ги ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун **бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”**ги Қонунларини ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Шунингдек, **“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги ҳамда, **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги Қонунларнинг янги таҳрирда ишлаб чиқилди.

“Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Унга кўра қуйидаги имтиёзлар белгиланди:

1. Лицензия олиш учун лицензия даъвогари тегишли лицензияловчи органга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси тақдим этиши бекор қилинди.

2. Юридик шахс бўлмиш лицензиат қайта тузилганда, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили), жисмоний шахс бўлмиш лицензиат фамилияси, исми ва отасининг исми ёки турар жойи ўзгарган тақдирда, қайта рўйхатдан ўтганидан кейин, лицензияловчи органга, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши бир ҳафадан бир ойга ўзайтирилди.

“Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

«2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли қарори қабул қилинди.

«Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли Фармони қабул қилинди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармони қабул қилинди.

«Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сонли қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда республика бўйича 248 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари рўйхатда мавжуд бўлса, уларнинг 88,3 фоизи ёки 219,4 мингтаси фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткичлар айниқса мамлакатимизнинг Бухоро (80,1%), Наманган (79,5%) ва Сурхондарё (71,6%) вилоятларида анча паст. Бу эса минтақаларда тадбиркорликни ривожлантириш учун уларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини билдиради.

Бугунги кунда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг амалиёти хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама устунлигини кўрсатмоқда.

Хусусий корхоналарда сидқидилдан меҳнат қилишга ундайдиган омиллар ва шахсий манфаатдорлик даражаси ва энг асосийси, ўзининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг якуний натижаси учун масъулият ҳисси бутунлай бошқача экани яққол кўзга ташланмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, уларнинг умумий сони эса 195 мингдан зиёдни ташкил этди. Бу 2000-йилга нисбатан 2 баробар кўпдир.

Хусусий секторда маблағлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу соҳада юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиш анча кучли бўлиб, ишлаб чиқариш туфайли имкон қадар кўп даромад олиш каби пировард молиявий натижаларга эришилмоқда. Буларнинг барчаси бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган хусусий корхоналарнинг асосий мақсадидир.


Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлидаги ғов ва тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган чора-тадбирлар қаторида, авваламбор, хусусий тадбиркорлар учун хомашё ресурсларидан фойдаланиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очик ва ошкора бўлишини таъминлаш зарур. Бунинг учун эса ресурсларни очик биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кенгайтириш лозим.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш натижасида 2014-йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларида яратилди. Ўтган йилда мамлакатимиз таълим муассасаларининг 600 мингдан зиёд битирувчиси иш билан таъминланди.

4. Аҳолини иш билан бандлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда давлатнинг узоқ муддатли стратегияси мавжудлиги бозор иқтисодиётининг эҳтиёжларига жавоб берадиган иш билан бандлик замонавий парадигмасининг қарор топиши юз бермоқда. Бозор иқтисодиёти шароитларида аҳолининг иш билан бандлигини ташкил қилиш муаммоси назарий ва амалий жиҳатларда янгича маъно касб этади. Меҳнат бозорини янада ривожлантириш аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солишда фаол ўринни эгаллайди. Меҳнат бозорида асосий миллий ресурс – ишчи кучи шаклланади ҳамда корхоналар, тармоқлар, вилоят ва туман минтақалари бўйича тақсимланади.

Меҳнат бозори иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлигини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилишини таъминлайди. У ходимнинг ўзи учун янада мосроқ иш жойига ўтишини енгиллаштиради. Меҳнат бозори орқали корхоналар зарур миқдорда ва талаб қилинган сифатга эга ишчи кучи билан таъминланади. Меҳнат бозори қандай кадрлар, мутахассислар, касбларга талаб борлигини, улардан қандайлари ортиқчалигини кўрсатади. Бу кўпгина мамлакатлар учун долзарб муаммодир. Унинг ҳал этилиши жамиятнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга қодир самарали иқтисодиётнинг яратилишини аниқлатади.



5.2-чизма. Аҳолининг иш билан бандлиги даражасини яхшилаш йўналишлари

Меҳнатга қобилиятли аҳолини ижтимоий ҳўжаликка жалб қилишнинг энг юқори даражаси сифатида талқин қилиш ҳам ўзгариб борапти. Иш билан тўлиқ бандликка аҳолини жалб қилишнинг ҳар қандай даражасида эришиш мумкин, бунда у аҳолининг иш ўринларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга мувофиқ

келиши, таклиф этилаётган иш ўринлари иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ оқилона бўлиши лозим. Бу ўринда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ иш ўрни деганда шундай иш ўрни тушуниладики, у инсоннинг юксак меҳнат унумдорлигига эришиши, ўзи ва оиласининг яхши яшаши учун етарли бўладиган даромадга эга бўлиши тушунилади. Шу билан бирга бу иш ўрни унинг саломатлигига зарар етказмаслиги ва инсоний қадр-қимматини ерга урмаслиги керак.

Шундай қилиб, иш билан тўлиқ бандлик меҳнатга қобилиятли барча фуқароларни касбий меҳнат соҳасига жалб қилишни англатмайди. Инсон ўз истаги бўйича ижтимоий фойдали меҳнатда бандлик соҳаларидан бирини (касбий меҳнатни, уй хўжалигини хусусий корхона ва хусусий тадбиркорлик ва шу кабиларни) танлашга ҳақлидир. Бироқ тартибга солувчи асосий фаолият тури даромад келтирувчи, шахс фаровонлигини оширувчи ва ривожлантиришини таъминловчи касбий меҳнат билан банд бўлишдир. Касбий меҳнат билан банд бўлиш даражаси ходимлар умумий сонининг улар ишлаётган корхона қандай ташкилий-ҳукукий шаклга эга бўлишидан қатъи назар меҳнат ресурлари сонига нисбати билан белгиланади. Бунинг маъноси шуки, аҳолининг иш билан бандликдаги мазкур пропорцияси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш манфаатлари, уни жадаллаштириш натижалари, фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлигини ошириш манфаатларига тўлиқ мос келиши зарур. Шу билан бирга соғлом авлодни етиштиришга, юқори малакали, яхши таълим олган серҳаракат ходимларни тарбиялашга қулай шароит яратиб берилса, аҳолининг бундай бандлигининг пропорцияси энг мақбул деб ҳисобланади.

Иқтисодий ислохот жараёнида меҳнат самарадорлигининг ортишига қараб, аҳолининг меҳнат билан бандлиги даражаси умуман мамлакат бўйича пасайиш тенденциясига эга. Яқин келгусида республикамизда иш билан бандликнинг ривожланиш хусусиятлари ана шундай кечади. Бу ерда юқори самарали иқтисодиёт нисбатан камроқ миқдордаги ходимларга эҳтиёж сезади, шу билан бирга аҳолининг ишчи ўринларига бўлган эҳтиёжи ҳам биров камаяди, чунки меҳнат билан ижтимоий фойдали бандликнинг бошқа соҳаларига қизиқиш ортади.

Кишиларнинг ижтимоий зарур иш билан бандликка бўлган эҳтиёжи ва уни амалга ошириш имкониятини режали тартибга солиб бориш лозим. Бундан мақсад инсоннинг фаолият кўрсатиш, шарт-шароитларни яхшилаш ва иқтисодиётнинг самарали ишлашини таъминлашдир.

Иш билан бандлик мақоми ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок этувчи меҳнат ресурсларининг бир қисми учун белгиланади. Булар даромад олиш мақсади билан товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун иш кучини таклиф қиладиган кишилар гуруҳи, шунингдек, ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок этса ҳам бевосита пул даромади келтирмайдиган аҳоли гуруҳи ёхуд неъматлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ даромад келтирадиган кишилар гуруҳларидан ташкил топади.

Биринчи гуруҳга иқтисодиётнинг давлат секторида иш билан банд бўлган корпоратив, акциядорлар жамиятлари ва хусусий секторда ишлайдиган

фуқаролар киради. Иккинчи гуруҳга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим оладиган ўқувчилар, мамлакат қуролли кучларининг хизматчилари киради.

Шундай қилиб, иш билан банд аҳолига ёлланиб ишлайдиган фуқаролар, шу жумладан, тўлиқ ёки нотўлиқ иш куни (хафта) мобайнида ҳақ олиб иш бажарадиган, тегишли шартнома, битим билан тасдиқланган ҳақ тўланувчи ишга эга шахслар, ҳамда касаллиги, таътилга чиққанлиги муносабати билан ишда бўлмаган фуқаролар киради. Ўзини мустақил равишда иш билан таъминлайдиган шахслар, шу жумладан, хусусий тадбиркорлар ва фермерлар, ҳарбий қисмлардаги қўшин турларида хизмат қилаётган шахслар, ўқувчилар ҳам иш билан банд кишилар жумласига киради.

Иш излаётган, ишини ўзгартираётган, вақтинча ишламаётган аҳоли ва ишдан ажралган ҳолда ўқимаётган, ишнинг мавсумий эканлиги туфайли вақтинча ишламаётган аҳоли иқтисодий фаол иш билан банд бўлмаган аҳоли гуруҳига мансубдир. Ишсиз мақомига эга бўлган шахслар ҳам иш билан банд бўлмаган иқтисодий фаол аҳоли жумласига киради.

Иш билан бандлик муносабатлари иқтисодий, демографик ва ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ. Иш билан бандликнинг иқтисодий мазмуни ходимнинг ўз меҳнати билан ўзига муносиб ҳаёт кечиришни таъминлаш билан бир қаторда ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ҳам ифодалайди.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун муносиб даромадга эга бўлиб, ўз соғлиғини сақлаш учун етарли имконга эга бўлиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг усулига мос келадиган маълумот ва касб даражасини эгаллашни таъминлайдиган бандликни аҳолининг самарадор бандлиги деб ҳисоблаш мумкин.

Иш билан бандликнинг самарадорлигини давлат тараққиётининг мафкураси акс эттирадиган кўрсаткичлар билан тавсифлаб бериш мумкин. Булар меҳнат ресурсларининг ижтимоий фойдали фаолиятида иштирок этиш хусусиятларига асосланган тақсимлаш пропорцияларидан иборатдир. Улар меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси, аҳолининг ишга бўлган эҳтиёжи қондирилиши ва иш билан тўлиқ бандликка эришилиши каби кўрсаткичлар билан ифодаланилади. Чунки ижтимоий меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, жамиятда ходимларнинг даромадлари ва моддий шарт-шароитлар шунчалик кўпроқ тўпланади. Айни вақтда меҳнат соҳасини техник-ташкилий томонидан такомиллаштириш, кадрлар малакасини ошириш, аҳоли гуруҳларининг меҳнат ва турмуш шароитининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш имконини беради.

Иш билан бандлик самарадорлигининг хусусиятларидан яна бири меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан таъминланганлик даражасидир. Иқтисодий жиҳатдан бу кўрсаткич аҳолининг иш ва иш ўринларига бўлган эҳтиёжини акс эттиради.

Иш билан бандлик самарадорлигининг учинчи хусусияти ишловчиларнинг мамлакат иқтисодиётининг тармоқлари бўйича тақсимлаш тузилмасидан иборатдир. Ҳозирги вақтда аҳолининг иш билан бандлиги бўйича иқтисодиётдаги тармоқ тузилиши мавжуд жамият меҳнат потенциалидан

фойдаланиш самарадорлиги даражаси пастлигини акс эттиради ва у тубдан ўзгартиришга муҳтождир.

Ниҳоят, иш билан бандлик самарадорлигининг тўртинчи хусусияти ишловчиларнинг касб-малака гуруҳларига бўлиниши ҳисобланади. У иш билан банд аҳолининг касб-малака гуруҳлари бўйича тақсимланиши ҳамда малакали ходимларга бўлган эҳтиёж билан мутаносиблик даражасини акс эттиради.

Давлатнинг тўлов талабини кўпайтиришга йўналтирилган хилма-хил усуллар воситасида иқтисодиётга аралашуви орқали иқтисодий фаолликни рағбатлантириш ва бунинг натижасида иш билан бандликни кенгайтиришга эришиш мумкин. Бунда ҳал қилувчи роль, Кейнс назариясига кўра, хусусий сармоя қўйилмаларини давлат томонидан рағбатлантириш ва тартибга солиш ҳисобланади. Сармоя қўйилмаларини кенгайтириш ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида аҳолининг иш билан бандлигини оширишни англатади. Аммо, фақат 40 ва 50-йилларга келиб, кейнсчилик «иш билан тўла бандлик» шиори асосида буржуа иқтисодий назарияси ва амалиётининг ташкилотчиларига айланди. 40-йиллар ўрталарида ишсизликни тартибга солиш бўйича пайдо бўлган расмий ҳукумат ҳужжатлари ва қонунчилик, одатда иш билан тўлиқ бандликни миқдор жиҳатдан аниқламаган. У, масалан, инглизларнинг оқ китоби «Иш билан бандлик сиёсати» (1944 йил) ва Американинг «Иш билан бандлик тўғрисида ҳужжат»ларида (1946 йил) ҳам йўқ. Урушдан кейинги «Иш билан тўлиқ бандлик» сиёсати аслини олганда ишсизликни тугатишни мақсад қилиб қўймаган. Ишсизликнинг 2-4% доирасида, албатта, мавжуд бўлишини буржуа иқтисодчилари минимал йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдор деб қарашган.

Кўрсаткичнинг пастроқ бўлиши «меҳнат бозорининг нормал ишлашига» мувофиқ келмайдиган, ишчи кучи талаб ва таклифининг оптимал нисбатини бузадиган ҳолат сифатида баҳоланган. 70-йиллар охиригача Ғарбий Европадаги 2-3% ишсизлик ва АҚШдаги 4,0% ишсизлик давлат сиёсати сифатида қабул қилинган. Ҳатто социал-демократик ҳукумат «иш билан тўлиқ бандлик» сиёсатини ўтказган Швецияда ишсизликнинг расмий тан олинган энг кам даражаси 1,5% бўлган.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) услубияти бўйича иш билан банд эмаслик даражаси ишсизлар сонининг меҳнат ресурслари сонига бўлган нисбат билан тенглашади. У ишчи кучига бўлган талаб ва таклифидаги тузилмавий номутаносибликни кўрсатади ва бу билан бўш иш жойлари учун иш излаётган шахсларнинг бир вақтда мавжудлигини англатади.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат бозорини тартибга солиш ва аҳоли бандлигини ошириш иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Иқтисодиётда бозор қонунлари ва талабларига мувофиқ равишда рўй берадиган ўзгаришлар аҳолининг иш билан бандлиги концепциясининг ўзгаришини келтириб чиқаради. Мулкчилик муносабатлари бирламчидир. Улар иккиламчи ишлаб чиқариш муносабатлари сифатида намоён бўладиган иш билан бандлик муносабатларини белгилайди. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқиладиган иш билан бандликнинг янги концепцияси уйда, уй хўжалигида бажариладиган меҳнат фаолияти шакллари мутлақо қонуний ва ижтимоий эътироф этилган шакллар сифатида легаллаштиради.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда давлатнинг узоқ муддатли стратегияси мавжудлиги бозор иқтисодиётининг эҳтиёжларига жавоб берадиган иш билан бандлик замонавий парадигмасининг қарор топиши юз бермоқда.

Меҳнат бозори иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлигини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилишини таъминлайди. У ходимнинг ўзи учун янада мосроқ иш жойига ўтишини енгиллаштиради. Меҳнат бозори орқали корхоналар зарур миқдорда ва талаб қилинган сифатга эга ишчи кучи билан таъминланади. Меҳнат бозори қандай кадрлар, мутахассислар, касбларга талаб борлигини, улардан қандайлари ортиқчалигини кўрсатади. Бу кўпгина мамлакатлар учун долзарб муаммодир. Унинг ҳал этилиши жамиятнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга қодир самарали иқтисодиётнинг яратилишини аниқлатади.

ишларнинг ижтимоий зарур иш билан бандликка бўлган эҳтиёжи ва уни амалга ошириш имкониятини режали тартибга солиб бориш лозим. Бундан мақсад инсоннинг фаолият кўрсатиш, шарт-шароитларни яхшилаш ва иқтисодиётнинг самарали ишлашини таъминлашдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир” Т.: - Ўзбекистон, 2015
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: - Ўзбекистон, 2009
3. Каримов И. А. “Тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар”, “Халқ сўзи”, 2009 йил 2 сентябрь, №173(4836)
4. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маъруза “Халқ сўзи” – 2009 й. 14 февраль, №33-34 (4696-4697).

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. \Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғафуров, Б.К.Тўхлиев. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.\
6. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси (дарслик) Т.; “Ўқитувчи”, 2001. 28-65 бетлар.
7. Абдурахманов Қ.Х. и другие. Экономика труда. –М.: “Экзамен”, 2004. -736 с.
8. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”(ўқув қўлланма) Т.:2004
9. Abdurahmonov Q.X., Holmo'minov Sh.R., Akbarov A.M. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi – Т. TDIU: 2005.
10. Холмўминов Ш.Р. Аҳолини иш билан оқилона бандлигини таъминлаш. - Тошкент, Мулоқот журнали, 1998. 2-сон.
11. Волгин Н.А. Экономика труда: социально – трудовые отношения – М.: Экзамен, 2004
12. Генкин Б.М. Экономика и социология труда. – М.: Норма 2006. 372с.
13. Мумлазе Р.Г., Гужина Г.Н. Экономика и социология труда Учебник – Москва КНОРУС, 2007.
14. Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти” (Дарслик) Т.: 2009 йил
15. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси)
16. www.Uza.uz (Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги)